
“Каримобод” маҳалласи ёшлари билан ҳам учрашув ташкил этилди
Бугун, туман ҳокимининг “Каримобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги сайёр
қабулидан сўнг, маҳалла ёшлари билан ҳам учрашув ташкил этилди.

Унда туман ҳокими К.Джураев ва ДХХ туман бўлими бошлиғи О.Сиддиқов
иштирок этди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган учрашувда ёшларга тааллуқли барча долзарб
масалалар кенг ва тўлақонли қамраб олинди.



Сектор раҳбарлари тадбирда юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати асосида борилаётган кенг кўламли ўзгаришлар, янгиланишлар, келгусидаги истиқболли режалар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

2 / 4
Учрашувда сектор раҳбарлари ҳудуд ёшларининг келажакдаги режалари билан қизиқиши билан биргаликда, уларни қийнаётган муаммоларини ҳам тинглади.



Маҳалла ёшлари ўзларини қизиқтирган масалалар, ташвишга солаётган муаммолари юзасидан туман раҳбарлариға түғридан-түғри мурожаат қилиб, саволлариға амалий жавоблар олишди.

3 / 4
Ёшларнинг мурожаатлари асосида зарурий чоралар-тадбирлар белгиланиб, ижроси туман ҳокимлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими томонидан

назоратга олинди.



Сектор раҳбарлари учрашув якунида 8-сонли мактаб фаолияти билан ҳам танишдилар.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-12-10 22:43:50